# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 74 (9.724) 2002 йил 26 июнь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

### Янгиликлар, воқеалар



12-трестга қарашли 65-қурилиш бошқармасининг тажрибали бунёдкорлари ўзларига топширилган вазифаларни сидқидилдан адо этиб келишмоқда.

**СУРАТДА: бошқарманинг етакчи қурувчиларидан Турди Бобожонов, Олим Турсунов, Эргашбой Бобожоновлар янги лойиҳа билан танишмоқдалар.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**

### ҚИСҚА сатрларда

● **РЕСПУБЛИКА** «Оила» илмий-амалий марказида «Ижтимоий экология — оила саломатлиги ўлчамлари» мавзуида бўлиб ўтган анжуман «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси ташаббускорлигида уюштирилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** ўрта мактаблар ўқитувчилари иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Рус тилини ўргатишда янгича методик услублар» деб номланди.

● **ЮНУСОБОД** туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан тумандаги руҳшунослар, шифокорлар иштирокида бўлиб ўтган анжуманда гиёвандликка қарши курашнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

● **УЗУНЛИГИ** 32 километр масофани эгаллаши мўлжалланган кичик Халқа йўли қурилишининг Усмон Носир ва Фарҳод кўчалари кесишган ҳудудида бунёдкорлик ишлари жадал кетмоқда. Ушбу йўлнинг бир қисми Амир Темур кўчасига келиб туташади. Дарвоқе, бунёдкорлар ушбу қурилишни 31 августгача тугаллашни ният қилишган.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мавзуидаги кўрик-танловда Тошкент вилоятидан ташриф буюрган мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди.

● **УСПЕНСКИЙ** номли мусиқа билим юртининг иқтидорли талабалари Қирғизистонда ўтадиган «Истеъдодлар» кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

● **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** вагонларни қайта таъмирлаш корхонасида Япония билан ҳамкорликда шу кунгача 10 га яқин вагон, 8 та электропоезд қайта таъмирланди. Йил охиригача эса яна 25 та вагон таъмирдан чиқарилади.

ҲАМКОРЛИК

## Компьютер синфлари

***Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ўқув-техник негизи йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда чет эл фирма ва ўқув марказларининг амалий ёрдами ҳам катта бўлмоқда.***

Мана, бир мисол. Ҳозир олий ўқув юрти Япониядаги машҳур «Марубени Корпорейшн» фирмаси билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Ўзаро келишувга мувофиқ япон фирмаси 60 та замонавий компьютер ажратди. Шу қурилмалар негизида 3 та компьютер синфи очилди. Шунингдек, аудио-видеотехникалар билан жиҳозланди.

Бундан ташқари институтнинг «Ипак технологияси», «Газмоллар технологияси ва дизайни» кафедралари лабораториялари янги ўқув жиҳозларига эга бўлди.

Германиядаги «Гейдельберг» фирмаси ҳамда Берлин университети билан тузилган ҳамкорлик шартномаси ҳам яхши самара бермоқда. Шу алоқа натижаси ўлароқ ўқув матбаа маркази юзага келди. Ҳозир бу ерга ўрнатилган техник жиҳозлар учун 500 минг дойч марка сарфланди.

**Акбар АЛИЕВ**

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

## Чора-тадбирлар белгиланди

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича шаҳар ҳудудий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, давлат мулки қўмитаси шаҳар бошқармаси бошлиғи Алишер Каримов олиб борди.***

Йиғилишда Акмал Икромов, Чилонзор ва Собир Раҳимов туманлари ишчи гуруҳларининг иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, санация ва ташқи бошқарувдаги корхоналарда молиявий соғломлаштириш режасининг бажарилиши ҳамда банкрот корхоналарни тугатиш бўйича олиб бораётган ишлари ҳақида масала кун тартибига қўйилди.

Сўзга чиққан юқоридаги туманлар ҳокимларининг иқтисод масалалари бўйича ўринбосарлари ишчи гуруҳлари томонидан жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида амалга оширилган ишлар, шу билан биргаликда келгуси режалар, йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида ҳам батафсил тўхталишди.

Жумладан, Чилонзор тумани ҳокимининг ўринбосари Сарвархўжа Бузрукхўжаев ўтган ойлар давомида туман ишчи гуруҳи йиғилишларида 17 та молиявий зарар кўриб ишлаётган ва 8 та иқтисодий ночор корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти таҳлил этилгани, кўрилган чора-тадбирлар натижасида эса 7 та корхона ўз зарарларини қоплагани, 9 та корхона иқтисодий ночорлик ҳолатидан чиқишга муваффақ бўлганини алоҳида таъкидлади. Хўжалик суди томонидан 2001 йилда 70 та корхона банкрот деб эътироф этилган бўлиб, унинг 63 тасида тугатиш ишлари якунланган, 4 тасида эса тугатиш муддати ўтказиб юборилган.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан ахборотлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ҳудудий комиссия ва ишчи гуруҳи мажлисларида кўриб чиқилган масалалар ижроси тўлиқ назорат қилиниши лозимлиги уқтирилди. Унга кўра чора-тадбирлар белгиланиб тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ!

## Ҳашар йўли билан

***Бундан икки ойча муқаддам Чилонзор тумани «Дўмбиробод» маҳалласи ҳудудидаги истироҳат боғи томонга йўлимиз тушганида очиғи ҳайронликдан ёқа ушлагандик. Нега дейсизми? Чунки шаҳримиз тобора гўзаллашиб, сўлим боғлари янада кўпайиб киши баҳри дилини очаётган кезларда болажонлар мириқиб дам оладиган аттракционлар у ёқда турсин, ҳатто спорт ўйингоҳи ҳам қаровсиз ҳолда ётган, ҳар ер ҳар ерда ахлат чиқиндиларию шохшаббаларга тўла хароба ҳудудга келиб қолганига одамнинг ишонгиси келмаганди.***

Ҳайриятки «Дўмбиробод» маҳалласи фаоллари ва туман ободонлаштириш бошқармаси вакиллари ҳамкорликда ушбу боғни тозалаб, ораста холга келтиришибди. Қувончли жиҳати бир пайтлар Саркисов боғи деб аталган ушбу сўлим гўшада эндиликда спорт ўйингоҳи турли хил аттракционлар ва ошхона болажонлару дам олувчиларга хизмат қилишга шай ҳолга келтирилибди. Эндиликда анчадан бери ҳеч ким йўламай қўйган мазкур дам олиш масканида «Дўмбиробод» маҳалласининг турли хил тадбирлари, болалар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилиши шубҳасиз. Нега деганда боғни парваришлашни маҳалла тадбиркорлари ўз зиммаларига олишганини эшитиб диллар қувончга тўлди.

Хулоса ўрнида ҳеч бўлмагандан кўра кеч бўлса ҳам шаҳримиз ҳуснига доғ бўлиб тушаётган ана шундай гўшалар обод этилса табиатнинг софлиги сақланади. Ҳамшаҳарларимиз эса бундай жойларда мазза қилиб дам оладилар, пойтахтимиз гўзаллигига янада гўзаллик қўшилади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## «ВАТАНПАРВАР» газетаси — 10 ёшда

***Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи — «Ватанпарвар» газетаси ташкил топганига 10 йил тўлди. Шу муносабат билан Тошкентдаги Марказий офицерлар саройида йиғилиш бўлиб ўтди.***

Қуролли Кучларимиз солномачиси бўлмиш газета миллий армиямиз тизимидаги ҳарбий қурилиш ва ҳарбий сиёсатни изчиллик билан амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Шахсий таркибни ҳарбий бурчга садоқат, она-Ватанга муҳаббат, уни кўз қорачиғидек асраш, халқимизнинг тинч ва бунёдкор ҳаётини ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашга муносиб улуш қўшмоқда.

Ўтган ўн йил мобайнида газета саҳифаларида халқимизнинг шонли тарихи, миллий қадриятлари, суверен Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш борасида Қуролли Кучларимизда изчил ўтказилаётган ислоҳотлар жараёни, ҳарбий хизматчиларнинг мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш, жонажон юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги жанговар меҳнатлари кенг ёритилди.

Газета жамоасини байрам билан тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, ҳарбийлар табриклади.

Йиғилишда газета ходимларидан бир гуруҳига эсдалик совғалари топширилди.

**(ЎзА).**



ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

## Яйраб ҳордиқ чиқаришди

***Россиянинг курорт шаҳри Анападан 2002 йил ёзги мавсумнинг биринчи ойи дам олувчиларнинг дастлабки гуруҳи қайтди.***

Мана уч йилдирки, Республика «Меҳржон» васийлик кенгашига қарашли Қора денгизда жойлашган, етим болалар учун мўлжалланган «Дўстлик» пансионати фаолият кўрсатмоқда. Бу йил июнь ойида Тошкент шаҳридаги 22, 24, 34 ҳамда Самарқанддаги 9-меҳрибонлик уйларининг 50 нафар тарбияланувчиси «Дўстлик» пансионатида мазза қилиб ҳордиқ чиқаришди. Улар денгизда чўмилишди, шаҳарга саёҳатга чиқишди, денгизда экскурсияда бўлиб машҳур Утришек дельфинарийсини томоша қилишди. Қора денгиз бўйидаги пансионатда дам олиш чоғида болалар беш маҳал иссиқ овқат билан таъминланди, кўплаб маданий тадбирларда иштирок этишди, спорт билан шуғулланишди, сузишни ва Анапа каналида қайиқларни бошқаришни ўрганишди. Шуни таъкидлаш керакки, пансионатда болалар билан ишлашда катта тажрибага эга малакали педагоглар фаолият кўрсатишади, ҳар бир сменада болаларга меҳрибонлик уйларидаги тарбиячилари ҳамроҳлик қилишади. Ҳордиқ чиқарувчи болалар доимий равишда сабзавот ва мевалар, музқаймоқ, шарбатлар, йогуртлар ҳамда ширинликлар билан таъминланади.

Ўтган уч йил ичида бу ерда Ўзбекистондаги кўплаб меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари дам олди. Ўтган йили охирги сменада эса Орол бўйида истиқомат қилувчи болалар ўз соғлиқларини тиклашди. Жорий йилнинг қолган ойларида ҳам республикамизнинг турли вилоятларидан юзлаб етим болалар пансионатда ҳордиқ чиқаради. Денгиз бўйида дам олиш учун йўлланмаларга эга бўлиш мақсадида танловлар ўтказилиб, ҳар бир меҳрибонлик уйи унда фаол иштирок этади. Кимга бу йил омад кулиб боқмаган бўлса, албатта келаси йили Қора денгиз бўйларига боради.

Болаларнинг йўл, овқатланиш ҳаражатлари «Меҳржон» васийлик кенгаши зиммасидадир.

**(Ўз мухбиримиз).**

**СУРАТДА: Қора денгиз бўйларидан қайтган болалар.**

## ИРОДАНИНГ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАСИ!

Теннис оламида «Grand slam» — «Катта дубулға» туркумига кирувчи энг нуфузли тўрт мусобақадан учинчиси — «Уимблдон», яъни Англия очиқ чемпионати бошланди.

Дунёдаги энг кучли эркак ва аёл теннисчиларни жамлаши билан бошқа мусобақалардан фарқ қиладиган бу турнирнинг илк даврасида ўзбекистонлик теннис маликаси Ирода Тўлаганова хорватиялик Сильвия Талаяга қарши кортга чиқди. Беллашувнинг биринчи сетида ҳамюртимиз 2-6 ҳисобида рақибасига имкониятни бой берди. Лекин иродали Ирода кейинги икки сетда ишончли ғалабага эришди: 6-2, 6-4.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ (ЎзА).**

## Ўсмирларимиз муваффақият билан қайтишди

***Хабар берганимиздек, Москвада МДҲ, Болтиқбўйи Республикалари ва Россия Федерацияси минтақалари ўртасида халқаро ўсмирлар спорт ўйинлари ўз ниҳоясига етди.***

Халқаро олимпия қўмитасининг президенти Жак Рогге ташриф буюрган мусобақалар жуда қизиқарли ва ҳаяжонли беллашувларга бой бўлди. Ўн еттита спорт турининг ўнтасида қатнашган ўсмирларимиз биттадан олтин, кумуш ва бронза нишонларининг соҳиблари бўлишди. Спортчиларимиз муваффақиятида юртимизда уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва универсиада спорт мусобақаларининг доимий тарзда йўлга қўйилгани ҳам ўзига хос омил вазифасини ўтади.

Баландликка сакраш баҳсларида юқори натижа кўрсатиб кумуш нишонларни қўлга киритган енгил атлетикачи ҳамшаҳримиз —яқинда Марказий Осиё республикалари биринчилигида ҳам ўзидан ёши катталар ўртасида иккинчи ўринни эгаллаган Светлана Радзевилнинг маҳоратига айниқса мутахассислар яхши баҳо беришди.

Ўсмирлар халқаро спорт мусобақалари давомида турли республикалардан ташриф буюрган делегациялар раҳбарлари ўзаро кенгашиб кейинги шундай турнирни Киев шаҳрида ўтказишга келишиб олишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

ФУТБОЛ

## Германия — дастлабки финалчи!

***Осиё қитъасида илк бор ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг асосий беллашувлари ортда қолиб ўз поёнига етмоқда.***

**КЕЧА**

Германия ва Жанубий Корея терма жамоалари ўртасида дастлабки финал беллашуви бўлиб ўтди. Шуни таъкидлаш керакки, кўп мутахассислар чемпионат олдидан асосан ёшлардан шакллантирилган Германия термасига деярли ишонч билдиришмаган бўлса-да машҳур «немис машинаси» яна ўзини оқлаб финалга чиқди. Барчани ҳайратда қолдирган корейликларни эса чемпионат «эртаги» дея номламоқдалар. Зеро, бир текисда тўп суриб келаётган Осиё қитъаси вакилларини ярим финалга чиқишни ҳатто башоратчилар ҳам олдиндан айтиб бера олмаганди.

Шундай қилиб, дастлабки ярим финал беллашуви унчалик қизиқарли кечмади. Жамоалар эҳтиёткорлик билан ўйнаб, ҳужумкор футбол кўрсатмаган бўлсалар-да, барибир майдонда германияликларнинг устунликлари сезилиб турди. Германия термасининг етакчи ўйинчилари Марко Боде, Мирослав Клозе, Михаил Баллаклар рақиб дарвозасини ишғол қилишга бир неча бор уриниб кўрдилар. Ниҳоят, ўйиннинг 75-дақиқасида Германия терма жамоасининг «юраги» ҳисобланмиш моҳир ярим ҳимоячи Михаил Баллак дарвозабон қайтарган тўпни қайта зарба билан тўрга туширишга муваффақ бўлди ва ҳисобни очди.

Ушбу ягона тўп германияликларга ғалаба келтириб, уларга финал сари йўл очди.

**БУГУН**

Бразилия ва Туркия терма жамоалари ўртасида ўтказиладиган беллашувда иккинчи финал қатнашчиси аниқланади.

**(Ўз мухбиримиз)**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Ботир Парпиев Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири этиб тайинланди.

● Олий Мажлис Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг Андижон вилояти ва Тошкент шаҳридаги ижроси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

● **Кеча** Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунининг Қашқадарё вилоятидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

● Фарғона вилояти ғаллакорлари жами 350 минг тонна сара дон йиғиштириб олишди. Унинг 280 минг тоннадан зиёди давлат дон қабул қилиш пунктларига топширилди.

● **Куни кеча** Польша Республикаси миллий мудофаа вазири Ежи Шмайдзински расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. У раҳбарлик қилган делегация вакиллари дастлаб Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашди. Музокара якунида Ўзбекистон ҳамда Польша мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Польшалик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан ҳам учрашди.

● Навоийда «Жиноий жазоларни либераллаштириш: муаммо ва истиқболлар» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● **Бугун** республика бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан ташкил этилган «Ўтиш даври иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес» мавзуидаги 10 кунлик халқаро ўқув-семинар ўз ишини давом эттирди.

● Олмалиқ кон-металлургия комбинатида мазкур корхонанинг хорижий сармоядорлар учун тақдимоти бўлиб ўтди.

● Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Тошкент сув таъминоти, канализация, гидротехник иншоотлар ва муҳандислик гидрогеологияси илмий-текшириш институтида Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида қабул қилинган «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунда белгиланган вазифаларни ҳаётга изчил тадбиқ этиш масалаларига бағишланган семинар-машғулот бўлиб ўтди.

● Германиянинг «Интер Национес» Гёте институти Ўзбекистонда биринчи марта «Кутубхона фондини сақлаш менежменти» мавзуида семинар ўтказди.

● Пойтахтимизда Ички ишлар вазирлиги идоралари ходимлари ўртасида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» республика VII кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ғолиблар кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олдилар.

● **Кеча** Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва республика «Маҳалла» жамғармасининг катта мажлислар залида бўлиб ўтган маҳаллалардаги кураш ишқибозлари ўртасида ўзбек кураши бўйича «Маҳалламиз полвонлари» Республика куни мусобақаларини ўтказишни ташкил қилиш масалаларига бағишланган йиғилишда ташкилий қўмита таркиби ва Низоми тасдиқланди. Беллашувларнинг якуний-республика босқичини шу йил 1-4 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

● Республика Биржа марказида «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги янги устуворликлар» деб номланган китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Файзулла Хўжаев номидаги Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида «Терроризм, гиёвандлик ва диний экстремизм — XXI аср вабоси» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

● Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида «Атроф-муҳит мусаффолиги ва инсон ҳаёти хавфсизлиги» қўлланмасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

● Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим пьесаси асосида саҳналаштирилган «Бир қадам йўл» спектаклининг жамоатчилик кўриги ўтказилди.

### Жаҳонда

● **Бугун** Канададаги Кананаскис дам олиш масканида «Катта саккизлик» мамлакатларининг навбатдаги саммити бошланади. Икки кун давом этадиган ушбу саммитда жаҳон иқтисодиёти муаммолари, халқаро террорчиликка қарши кураш масалалари, Яқин Шарқдаги вазият, Африка қитъасига кўрсатилажак ёрдам лойиҳасини кўриб чиқиш режалаштирилган.

● Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев шу йилнинг 24 августида мамлакат Президенти ва парламентини сайлаш тартиби бўйича конституцияга ўзгартишлар киритиш масаласи юзасидан референдум ўтказиш ҳақидаги Фармонни имзолади.

● **Бугун** Озарбайжонда Миллий армия куни нишонланмоқда.

● Доғистон Давлат кенгашининг раиси этиб иккинчи муддатга Магомедали Магомедов сайланди.

● Арманистон ташқи ишлар вазири Туркияда икки мамлакат ўртасидаги мулоқотларни ривожлантириш юзасидан музокаралар олиб борди.

● **Кеча** Албания парламенти мамлакатнинг янги Президентини сайлади. 74 ёшли истеъфодаги генерал Альфред Моизуи ўз вақтида мамлакат мудофаа вазири лавозимида ишлаган. Энди у собиқ Президент Ражаб Майдонийнинг ўрнини эгаллайди.

● Исроил қўшинлари Хеврон шаҳрига кирдилар ва у ерда комендантлик соатини эълон қилдилар.

● Югославия Президенти Воислав Коштуница собиқ Президент С. Милошевич пайтида тайинланган мамлакат қуролли кучлари бош штабининг бошлиғи Павковични истеъфога чиқарди.

● Югославия Президенти Воислав Коштуница ҳукумат учрашувида бўлган пайтида номаълум шахс унинг хизмат машинасини ўғирлаб кетган. Полиция қидирув ишларини бошлаган.

● Буюк Британия денгиз пиёдалари Афғонистонда йирик қурол-аслаҳа омборини топишга муваффақ бўлишган. Тахминларга кўра, у «Ал-Қоида» ёки «Толибон»га қарашли бўлиши мумкин.

● Россия Ҳиндистонга 4 миллиард долларлик шартнома бўйича қирувчи самолётларни жўнатишни бошлади. Ҳиндистон Россиядан ҳаммаси бўлиб 60 та самолёт қабул қилиб олади.

● Люксембург Бош вазири ҳамда ягона Европа валютасини яратиш ва уни муомалага киритиш ташаббускори Пьер Вернер 89 ёшида вафот этди.

● АҚШнинг Саудия Арабистонидаги элчихонаси вакиллари мамлакатда истиқомат қилувчи Америка фуқароларини огоҳликка чақирди. Яъни бемақсад кўчага чиқмаслик, машинага ўтиришдан аввал уни синчиклаб текшириш лозимлигини уқдирди. Бундай огоҳлантиришга сабаб ўтган ҳафтада Буюк Британия фуқароси машинага қўйилган бомба портлашидан ҳалок бўлганлигидир.

● Ўтган куни эрталаб Маниланинг серқатнов кўчаларидан бирида полициячилар билан жиноятчилар ўртасида юз берган отишма натижасида 13 киши турли даражада ярадор бўлди.

● Япониялик таниқли сиёсатчи, Япония либерал-демократик партияси раҳбарларидан бирининг собиқ ёрдамчиси Хуруки Мориваки ўз жонига қасд қилди. Токио полициясининг хабар беришича, Мориваки ўзини метро поезди тагига ташлаган ва олган жароҳатлари натижасида оламдан ўтган. Айтишларига қараганда, у оғир ва бедаво касалга чалинган экан.

● Ўтган куни Танзанияда рўй берган темир йўл ҳалокати туфайли 200 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди. Поездда тахминан 1000 йўловчи бўлган. Гувоҳларнинг таъкидлашича, 800 га яқин киши турли даражадаги тан жароҳатини олган.

# 27 июнь — Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

МУСОҲАБА

## Ижод ва меҳнат қувончи ёр бўлсин





*Мустақиллик туфайли мамлакатимизда барча соҳалар каби матбуот соҳасида фидойилик намунасини кўрсатаётган ўткир қалам соҳибалари бўлмиш дилбар аёлларимизнинг ўрни катта бўлмоқда. Энг қувонарлиси, газета ва журналларимизда бош муҳаррир аёллар сафи кенгайиб бораётганидир. Бугун биз айни касб байрамлари нишонланаётган кунда севимли газета-журналларимизнинг бош муҳаррирлари, жонкуяр ва гўзал аёлларимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг дил сўзларига қулоқ тутдик.*

**Ойдин ҲОЖИЕВА,**
**«Саодат» журналининг бош муҳаррири:**

— Бугун биз билан ёнма-ён ишлаётган, жамият ва ҳаётдаги ўзгаришлар, воқеа, ҳодисаларга фаол муносабат билдираётган хотин-қиз журналистлар анчагина. Яқин ўн йил ичида аёллардан иккитагина бош муҳаррир бор эди, холос. Бири Зулфия опа, иккинчиси Яйра Саъдуллаева. Ҳозир эътиборли, катта нашрларнинг бош муҳаррирлари ҳисобланган журналист аёллар анчагина. Журналист агар жоиз бўлса, бугунги куннинг кўзи, сезгир қулоғи, ўткир тили, десам хато бўлмас. Кечаги матбуот билан бугунги матбуотнинг фарқи ер билан осмонча. Теварак атрофдаги ўзгаришлар, инсон руҳиятидаги турли эврилишлар, замоннинг тезкор оқими журналистни янада ҳушёр, фаолроқ ишлашга даъват этади. Шу жиҳатдан қараганда, менинг назаримда, теран таҳлилий мақолалар, муаммоли очерклар, қизиқарли лавҳа ва фоторепортажлар матбуотимиз саҳифасида камфоққа ўхшайди. Журналист аёлларимиз ўтроқ бўлиб қоляптилар. Қишлоқлар, далаларда бўлиб, хотин-қизларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитлари, яшаш тарзлари, уларнинг кўнглида тўпланиб ётган муаммоларни матбуотда кўтариб чиқиш суст бормоқда. Бир пайтлар ҳозирги «Ўзбекистон овози» ва «Туркистон» газеталари йўлланмаси билан қишлоқ аёллари даврасига Эътиборхон Охунова, Гулчеҳра Жўраевалар билан тез-тез чиқиб турардик. Ёшлар орасида, қишлоқ боғчалари, мактабларда учрашувлар, суҳбатлар қилардик. Ва ана шу учрашувларнинг натижаси бўлиб мақолалар, шеърлар, шеърий репортажлар дунёга келарди. Ҳозир бу жиҳатдан республика телевидениесининг журналист қизлари анча фаол. Газета ва журналларда ишлаётган опа-сингилларимиз бироз бепарвороқ бўлиб қолишди.

Мен «Саодат»да жонкуярлик билан ишлаётган Қутлибека Раҳимбоеванинг заҳматларини алоҳида таъкидлагим келади. Журналист қизларимизни қайта тайёрловчи курслар ташкил этилса, уларга компьютер дарслари, бухгалтерия билимлари, макет қилиш ва нашрни безаш ишлари бўйича малакали мутахассисларни бириктириб, саводхонлиги оширилса. Имкон даражасида таҳририят компьютерлари интернетларга уланса, дунё воқеаларини тезкор акс эттиришда журналистларга қўл келарди. Қанийди, ёш журналистларимиз айниқса, халқаро журналистика факультетида таҳсил олаётган истеъдодли қизларимиз таҳририятларимизга тез-тез келиб туришса, ҳамкорлик қилишса...

Журналист дегани ҳуқуқшуносликдан ҳам, тиббиётдан ҳам, тарихдан ҳам, санъатдан ҳам ва хорижий тиллардан ҳам хабардор бўлса, унинг ёзганлари мукаммал ва ҳаммага тушунарли, саводли, асосли бўлади. Бунинг учун журналистларни тайёрловчи ўқув даргоҳлари ўз иш услубларини тубдан ўзгартишлари керак. Қўлида журналист деган дипломи бўла туриб, ҳеч нарса ёзмай юрганлар ҳам кўп. Ҳар қалай табиат инсонга ёзиш, ижод қилиш каби фазилатни инъом этган экан, бу ҳар бир ёзувчи ёки журналист учун масъулиятдир.

Хуллас, бугун мухлислар бизнинг оғзимизга қараб турган экан, бизга сўз эркинлиги каби катта имконият берилган экан, фаолроқ, дадилроқ ва иштиёқ билан меҳнат қилайлик, дегим келади.

**Дилбар САИДОВА,**
**«Оила ва жамият» газетасининг бош муҳаррири:**

— Касб-корингни севсанг, меҳнатинг керак эканлигини ҳис этсанг, инсон учун бундан ортиқ бахт йўқ, назаримда. Матбуот соҳасида ишлаётганимга 32 йил бўлиб қолибди. Эҳ-ҳе, бу йиллар давомида қанчалаб одамлар билан касбдош бўлиб ишлашга тўғри келди, қанчалар одамлар мақолаларимиз қаҳрамонлари бўлишди. Ўқиш, ўрганиш, изланиш, тажриба ва маҳоратни ошириш жараёнининг чеки-чегараси йўқ экан. Бу касбнинг сеҳру жозибаси ҳам, машаққати ҳам шунда бўлса керак — ҳар бир қаҳрамоннинг ҳаётини қаламга оларкансан, у орқали дунёни ҳам янгитдан кашф этаётгандай бўласан. Ҳар бир ёзаётган мақоланг, тайёрланаётган газетанинг ҳар бир янги сони билан бирга гўёки касб-корингни янгитдан бошлаётгандай бўлаверарkансан. Чунки ҳаёт, вақт бир лаҳза бўлсин тўхтам билмайди, ўтаверади...

Бугунги кун кечаги ёки ўтган кун эмас — Янги кун. Бу янги куннинг ташвишу қувончлари ҳам кечагидан кўра ўзгача...Бугун ўтди, бугун газетанинг янги сони чиқди. Газетанинг янги сони қўлингда-ю эртани ўйлайсан, навбатдаги сон режалари фикру ўйингни банд этади. Сергак тортасан — чарчашга, лоқайд бўлишга ҳаққинг йўқ! Деразанг ортидаги ҳаёт сени яна ва яна ўйлашга, изланишга, ижодга ундайди.

Юқорида қанчадан-қанча одамлар билан касбдош бўлдик, дўстлашдик, дедим... Яқинда Самарқанд вилоятининг «Зарафшон» газетаси 85 ёшини нишонлади. Мен бир пайтлар матбуотдаги илк қадамимни ана шу мўътабар даргоҳда бошлагандим. Бу ёқда тантаналар бўляпти-ю мен эса кўзларим ёшга тўлиб, бирга ишлаган касбдошларимни эслардим. Йиллар бешафқат... Матбуотни роҳатидан кўра, заҳмати зиёда бу меҳнатни тақдир деб билган қанчадан-қанча азиз касбдошларим билинтирмайгина бу дунёдан ўтиб кетаверишибди... Малик Наврўзов, Аҳмаджон Мухторов, Суръат Орипов, Самариддин Сирожиддинов, Жамол Турсунов... Атрофимда «Зарафшон»нинг янги жамоаси — ёшлар... Мен уларнинг юзига, кўзига тикилиб қарарканман, булар ҳам матбуотни тақдир деб билган фидоийлар эканлигига умид қилдим. Матбуот фидоийликни талаб қилади. Ана шундагина матбуот саҳифасида чоп этилаётган сўз ўз ўқувчисини топади, миллионлар қалбини забт эта олади.

Яқинда Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад бошчилигида, биз — бир гуруҳ ижодкорлар Андижонда сафарда бўлиб, Саида Зуннунова хотира кунларида иштирок этдик. Избосканда бир гуруҳ қишлоқ аёллари билан суҳбатлашиб қолдим. «Оила ва жамият» газетасида ишлашимни эшитиб, аёлларнинг чеҳраси бирам ёришиб кетдики... «Газетани қўлма-қўл қилиб севиб ўқиймиз», — дейишди улар. Чин кўнгилдан мен ҳам хурсанд бўлдим. Менимча, меҳнати маҳсули одамларга хуш ёқаётганини ҳис этган ҳар қандай касб соҳиби ҳам, мен бошимдан кечирган туйғуларни кечирса керак.

Мен миллий матбуотимиз байрами муносабати билан барча касбдошларимизга ижод ва меҳнат қувончи ёр бўлишини тилаб қоламан.

ЭҲТИРОМ

## Адиб, журналист, таржимон



*12 ёшида маҳаллага котиб бўлган одам ҳақида, 14 ёшида ёзган шеъри «Ўқиш китоби»дан жой олган ижодкор ҳақида эшитганмисиз? Одамларнинг тўй ва маросимларида камарбаста бўлиб, каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек мулойим, сўзлари самимий ва ғоят ёқимли, бир гаплашганингизнинг ўзидаёқ ўзига мафтун этадиган дилкаш бу инсоннинг исми -шарифини биласизми?*

Офарин, жуда ҳам тўғри топдингиз. Юқорида таърифу тавсифини келтирган бу инсон Расул Раҳмонов бўладилар.

Эсимда, Расулжон аканинг ёзган мақолаларидан бирининг қаҳрамони, тўшакка михланиб қолган бир ўзбек аёли ўз турмуш ўртоғининг вафодорлигини таърифлаб «Ёзинг, мулла ака, турмуш ўртоғимнинг барчага намуна бўладиган вафодорлигини ёзинг», дейди.

Расулжон аканинг одамлар қалбига етиб борадиган, уни ҳаяжонга соладиган бундай мақолалари ҳозир ҳам қўлма қўл бўлиб ўқилади. Бунинг боиси Расулжон аканинг ўзи танлаган ёзувчилик, журналистик соҳасига ихлоси, чин фидойилик кўрсатиб ижод қилишидадир.

Расулжон ака ўзининг муборак 70 йиллик сермазмун умри давомида улуғ ва беназир адибларимиз Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа ижодкорларнинг мактабидан баҳраманд бўлди. Қаерда, қайси лавозимда ишламасин юксак масъулият, топширилган ишни садоқат билан бажариш унинг умр мазмуни бўлди. «Менинг дунёим», «Кўнгил чинни пиёла», «Ботир Казбек», «Акбар Исломов» сингари завқ ва зўр илҳом билан ёзилган қиссалари, бир қанча очерклар мажмуалари, хориж адибларининг ўзбек тилига катта маҳорат билан ўгирган бадиий асарлари Расул Раҳмонов умр китобини безаётган ёрқин саҳифалардир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли журналист, ҳассос адиб, ўзбек миллий журналистикасининг собитқадам, жасур, юртига садоқатли фарзанди Расул Раҳмонов айни шу кезларда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши раисининг ўринбосари, «Маҳалла» жамғармаси маслаҳатчиси «Маҳалла» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари сифатида ғайрат-шижоат билан фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мустақиллик шарофати билан, Президентимизнинг Фармони асосида 27 июнь куни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Буни қарангки, биз бугун «Оқшом» муштарийлари номидан ўзимизнинг самимий дил сўзларимизни изҳор этаётган Расул Раҳмоновнинг таваллуд топган кунлари ҳам 27 июнга тўғри келар экан. Фурсатдан фойдаланиб самимий ва дилкаш, истараси иссиқ инсон, истеъдодли ва таниқли адиб Расул Раҳмоновни муборак 70 ёшлари билан қутлаб уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ижоднинг сермашаққат йўлида бардавомлик тилаб қоламиз.

**Хондамир СОЛИҲОВ**

ФИДОЙИЛАРИМИЗ

## Зиё тарқатувчилар

***Бугунги кунда ҳаётимизни матбуотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Матбуот ходимларию матбуот тарқатувчиларни маънавият ва маърифат зиёсини тарқатувчилар десак адашмаймиз.***

Тонг саҳардан ҳамшаҳарларимиз аввало газета-журнал сотувчи дўконлар томон ошиқадилар. Чунки бугунги кун воқеалари, янгиликлар каттаю кичикни қизиқ-



тиради албатта. Ҳаётимиз фаровонлашиб, маънавиятимиз юксалиб бораётгани сайин газета ва журналларга ҳам талаб кучайиб бормоқда. Шаҳримизнинг Юнусобод туманидаги «Қозоғистон» кинотеатри ёнида жойлашган «Матбуот тарқатиш» уюшмаси акциядорлик жамиятига қарашли 62-дўкон олди ҳар куни эрталабдан одамлар билан гавжум бўлади. Газета-журнал дўкони сотувчиси Убайдулла Қорахўжаевни бу ҳудудда кўпчилик яхши танийди. Газетхонлар дўкондан доимо Убайдулла ака билан қуюқ саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраб, ўзлари севган газета-журналларни харид қиладилар. Дўконда қарийб тўққиз йилдан буён меҳнат қилиб, халқимизга маънавият зиёсини улашаётган хушмуомала, камтарин ва меҳнатсевар бу инсоннинг саранжом-саришталиги дўконга яқин борган кишига яққол сезилади. Чунки эрта тонгдан доимо дўкон атрофлари сув сепиб супурилган, озода ҳолда бўлади. Дўкон ичига назар солсангиз, у ерда ҳам ҳар кунги газета-журналларнинг янги сонлари тартиб билан терилгани, турли хил қизиқарли китоблар ва бошқа нарсаларнинг жой-жойида турганининг гувоҳи буласиз.

Баъзида ҳамшаҳарларимиз Убайдулла акадан қайси газета ёки журналда яхши, долзарб мавзудаги қизиқарли мақолалар ёритилганини сўраб сўнг сотиб оладилар. Убайдулла ака доимо ёшларбоп ёки кексаларга мос газеталарни ўзи тавсия қилиб сотишга ҳаракат қилади. Мухлислари кўплигидан кечгача тиним билмай савдо қилиб чарчамайди. Убайдулла аканинг асосий мақсади бугунги кунда тобора кўпайиб бораётган газета ва журналлар уларда ёритилаётган муҳим ва қизиқарли мавзудаги ранг-баранг, салмоқли, кишиларни эзгуликка етакловчи одоб-ахлоқ, маънавият, иқтисодиёт, ҳуқуққа доир мақолаларни ўз вақтида халқимиз албатта ўқиса, муҳокама қилса, дунёдаги янгиликлардан воқиф бўлишса.

Ҳа, бугунги кунда орамизда Убайдулла акадек матбуотимиз фидойилари, жонкуярлари кўплаб учрайди. Бугун биз ҳам Убайдулла Қорахўжаевни касб байрамлари билан чин дилдан қутлаб, матбуот тарқатишдек эзгу ва шарафли касбларида асло толмай меҳнат қилишларини тилаймиз

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: Убайдулла Қорахўжаев.**
Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

ЭНГ АФЗАЛИ — ТОТУВЛИК

## Дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб

***Ҳозирги кунда мамлакатимизда юздан ортиқ миллатлар ва элатларнинг вакиллари дўстлик, ҳамжиҳатликда яшамоқдалар. Мамлакатимизда ҳар бир халқнинг анъаналари, урф-одат ва маданияти сақланиб, тараққий этиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.***

Республикамиз вилоятларида муваффақиятли фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказлар эса миллатлар маданият, одат ва анъаналарининг ривожида муҳим ўрин тутмоқда. Ҳозирда миллий маданий марказларда ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилмоқда ва унда кейинги беш йил ичида амалга оширилган ишларнинг натижалари сарҳисоб қилинмоқда.

Куни кеча Республика Турк миллий-маданият марказининг ҳисобот-сайлов анжумани бўлиб ўтди. Унда Республика Турк маданият маркази бошқарувининг раиси Умар Салмонов ўтган давр ичида амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. У ўз чиқишида Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши саҳий ўзбек заминида истиқомат қилаётган барча халқларга эркин ривожланиш имкониятини берганлигини алоҳида таъкидлади. Энг яхши халқ анъаналари, санъати, боқий маънавий қадриятлари ривожланмоқда ва бойиб бормоқда. 1997 йилда ташкил этилган Республика Турк маданият маркази Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва юртимизнинг бошқа минтақаларида ўз бўлимларига эга. Марказ Мустақиллик, Наврўз ва Конституция куни умумхалқ байрамларини ўтказишда фаол иштирок этади. Марказ фаоллари кенг кўламдаги маънавий-маърифий ишларни амалга оширмоқдалар. Ўтган йили турк халқининг мусиқий маданияти, халқ оғзаки ижоди ва анъаналарининг бутун бойлигини ўзида мужассам этган «Ширин булоқ» фильмининг суратга олиниши Турк маданият маркази фаолиятидаги энг эсда қоларли воқеалардан бири бўлди. Мазкур фильм мутахассислар ва томошабинларнинг яхши баҳоларини олди. Турк маданият маркази қошида фаолият юритаётган мусиқали даста ҳам халқ мусиқий анъаналарини асраш ва ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Турк маданият маркази ўзининг кўпгина тадбирларини турли миллатлар вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамланишига ҳисса қўшган ҳолда бошқа миллий маданият марказлари билан ҳамкорликда ўтказмоқда. Шундай кенг кўламдаги фаолияти муносабати билан У. Салмонов Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Ўз маърузасида У. Салмонов ушбу мукофот бутун Турк маданият маркази фаолиятига берилган муносиб баҳо эканлигини қайд этиб ўтди. У шунингдек, жипс ҳамкорлик ришталари Турк маданият маркази фаолиятининг ривожи ва кенгайишига омил бўлаётган Республика Байналмилал маданият марказининг раҳбариятига ҳам миннатдорчилик билдирди.

Марказ режалари қаторидан эса янги қизиқарли лойиҳалар, маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш ишлари ўрин олган. Турк маданият марказининг аъзолари ўтган даврда амалга оширилган ишларни муносиб баҳолашди ва У. Салмоновни янги муддатга бошқарув раиси вазифасига сайлашди.

**(Ўз мухбиримиз)**

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

## Ифтихор ҳисси

***Бугунги кунда зукко, билимдон, зийрак радиотингловчининг кўнглига йўл топиш, унинг эътиборини жалб этиш осон иш эмас, албатта.***

***Нозиктаъб мухлислар қалбига йўл топиш учун Ўзтелерадиокомпаниянинг «Тошкент» бош муҳарририятининг тиниб-тинчимас ходимлари тинмай изланмоқдалар.***

Мазкур таҳририятнинг фидойилари радио мавжларида бир кунда олти ярим соат жонли эшиттириш олиб борадилар. Муаммоли, мунозара, баҳсли мавзулардаги чиқишлар жойлардан тезкорлик билан жавоб чиқишлари билан тўлдирилади.

Ҳар бир эшиттириш мазмунли, ўзига хос чиқишида, ёшларни янги ютуқларга илҳомлантиришда меҳри дарё, мурувватли, олийҳиммат инсонлар — устозларнинг меҳнатлари беқиёс. Улар қаторига «Тошкент» бош муҳарририятининг бош муҳаррири ва республика радиоси «Дўстлик» каналининг директори, жонкуяр раҳбар, моҳир журналист ва айни вақтда самимий инсон, бағри кенг, олийжаноб хислатлар соҳиби Абдуҳаким Даминов, кекса журналистлар — матбуотимиз фидойилари Ҳошимхўжа Сайдалиев, Шоирхўжа Сиддиқхўжаев, Холмирза Абдувалиев, Рустам Ёвқочев ҳамда Асад Фозиловларни киритиш мумкин.

— Менинг фикримча журналистлик касб эмас, у унвон. Журналистика ҳаёт билан қадамба-қадам одим ташлаш дегани. Шундай шарафли унвон — касбимизни эъзозлашимиз, уни баландларга кўтаришимиз лозим. Ҳар бир журналист ўз устида тинмай ишлаши, изланиши ва албатта ҳаёт билан баравар қадам ташлаши керак. Менинг ҳаётдаги энг катта устозим китоблар. Ёшларга маслаҳатим: китоблар оламига кириб боринг, у билан дўстлашинг, доимо уни эъзозланг! — дейди «Тошкент» бош муҳарририятининг раҳбари Абдуҳаким Даминов.

«Тошкент» студияси меҳнатсевар жамоасининг бир оила аъзолари сингари аҳил-иноқлиги унумли ижод қилишларида катта ёрдам беради. Муҳарририятнинг доимо изланишда, янгиликка интилувчи радиожурналистларининг ҳар бири ўз овозига, ижод йўли, иш тажрибаларига эга. Шунинг учун ҳам ушбу студиянинг ўз нозиктаъб, зукко, билимдон мухлислари анчагина. Муҳарририятнинг пойтахт ва вилоят тингловчилари учун эфирга узатиладиган «Бевосита мулоқот», «Бизнес клуби», «Истеъмолчи минбари», «Ахборот» мусиқий-ахборот, «Одобинг — зийнатинг», «Аёл қалби» ва бошқа кўплаб бир-биридан ранг-баранг, ўзига хос, қизиқарли ҳамда мулоҳазага чорловчи эшиттиришлари, чиройли танланган мусиқий композициялар жамоанинг унумли меҳнати самараси ҳисобланади.

Моҳир журналистлардан Исмоғил Фаттоҳов, Абдухалил Абдуваҳобов, Раъно Ортиқова, Инобат Усмонова, Лола Миржалилова ҳамда Муҳайё Муталова ва бошқалар аллақачон ўз мухлисларига эгалар...

Мазкур муҳарририятнинг аҳил жамоасининг асл мақсади ўз меҳнатлари билан жаннатмакон юртимиз — мустақил Ўзбекистонимиз ислоҳотларини унумли давом эттириш, халқимизнинг манфаатларига беғараз хизмат қилиш.

«Тошкент» бош муҳарририяти мана кўп йиллардан буён «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририяти билан ижодий ҳамкорлик ўрнатганлар. Қадрдон газетамизнинг ҳар бир сонининг таҳлили ҳаво мавжларида янграб келмоқда. Ушбу икки жамоанинг ҳам эзгу орзу-ўйлари муштарак.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТДА: «Тошкент» студиясининг фидойи журналистлари.**
**Сергей Любчич олган сурат.**



## Касбига меҳр қўйган



*Ўзбекистон телевидениесининг Ёшлар телеканали кўрсатувларини нафақат ёшлар, балки барча севиб томоша қилади, десак муболаға бўлмайди. Чунки ушбу каналда фаолият олиб бораётган журналистларнинг аксарияти ғайратли, шижоатли, изланувчан, энг муҳими ўз касбига меҳр қўйган инсонлардир. Айниқса, «Давр-интервью» кўрсатувининг муаллифи ва бошловчиси Юлдузхон Очилова ҳақида сўз кетгудай бўлса, уни телетомошабинлар севиб, «Ёқимтой қиз Юлдузхон эфирга чиқди» дея таърифлашганининг кўп бор гувоҳи бўлганмиз. Қуйида эътиборингизга Юлдузхон Очилова билан самимий руҳда қилган суҳбатимизни ҳавола этяпмиз.*

**— Юлдузхон, аввало тележурналистикага кириб келишингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Бугунги кунда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз касбларига янада масъулият билан ёндошаётганларининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Чунки мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, юксалишлар, ёшларимизнинг шижоати ҳақидаги янгиликларни ўз вақтида халқимизга етказиш керак, албатта.

Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, мен Тошкент Давлат шарқшунослик институтини битирганман. Тил ўрганишга астойдил қизиқаман. Чунки халқимизда «Тил билган — эл билади» деган мақол бежиз айтилмайди. Орзуим келажакда хорижда оммавий ахборот воситалари мухбири сифатида ишлаш эди. Телевидениега кириб келишимдан асосий мақсад ҳам Ҳиндистон ҳақида кўрсатувлар тайёрлаш. Кейинчалик хорижга чиқиш эди. Аввалига телевидениеда ТВ-II каналининг жума дастурида «Эртага шанба» номли кўрсатувда муаллиф ва бошловчилик қилдим. Бу дам олиш ҳақидаги лирик маданият хабарларидан иборат кўрсатув эди. Ундан кейин «Олис ва яқин Ҳиндистон» деб номланган кўрсатув тайёрлай бошладим. Оила, фарзанд дегандай... Кейинчалик 2000 йилдан бошлаб «Давр-интервью» кўрсатувига ишга ўтдим. Ўша вақтларда кўрсатувнинг ғоя муаллифи ва биринчи бошловчиси Фурқат Зокиров эди. Мен Фурқат акадан кўп нарсаларни ўргандим ва ҳозирда ўзим ушбу кўрсатув муаллифи ва бошловчисига айландим.

Журналистикага бўлган ҳавас эга ёшлигимдан оилавий муҳит, адабий муҳитда улғайганим, отам Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг ўгит ва насиҳатлари бўлса керак, деб ўйлайман.

**— Билишимизча, бир неча хориж тилларини мукаммал ўрганган экансиз, шундайми?..**

— Ҳа, ҳинд, урду тилларида гаплаша оламан, инглиз тилида ҳам озгина қийналиб бўлса ҳам сўзлаша оламан. Ниятим тил ўрганиб, хорижда мустақил Ўзбекистонимиз ҳақида янгиликлар ёки хориж давлатлари ҳақида ҳамшаҳарларимизга ахборотларни маълум қилиш.

**— Келгуси режаларингиз...**

— Келгуси режаларим, орзуларим кўп. Инсон албатта эзгу мақсадлари йўлида интилиб, тинмай меҳнат қилиши, изланиши керак, деб ўйлайман. Ниятим қизиқарли кўрсатувлар, тўғридан тўғри телефон орқали одамлар билан мулоқотда бўлиб, кўрсатувлар олиб бориш, «Ток-шоулар» ўтказиш.

**— «Тошкент оқшоми» газетасига тилакларингиз...**

— Менимча, журналистика касбига тааллуқлилик дипломдаги ёзув билан белгиланмайди. Ҳозир одамлар газетадан кўра кўпроқ телерадио, компьютер, интернетдан ахборот олаётган бир пайтда «Тошкент оқшоми» газетасини кўча-кўйда қўлида кўтариб кетаётган ҳамшаҳарларимизни кўпроқ учратишни истардим. Қалб амри билан касбига меҳр қўйган, умрини, меҳнатини, шу газетага бахш этган фидойи журналистлар доимо соғ бўлишларини тилайман.

**Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди**

КИТОБ — ОФТОБ

## Қимматли ва фойдали рисола

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан профессор Эркин Қосимовнинг «Шифокорнинг нутқ маданияти ва бемор билан мулоқот санъати» деб номланган ўқув дарслик адабиёти босмадан чиқарилди.*

Ушбу рисола тиббиёт институтларининг барча факультетлари талабалари ва олий маълумотли ҳамширалар учун мўлжалланган бўлиб, 3 та бобдан иборат.

Ўқув адабиётининг биринчи боби шифокорнинг нутқ маданияти, бемор билан мулоқот санъати, турли хасталикларда бемор билан мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари, талабаларнинг бемор билан мулоқоти сингари бири-биридан қизиқ, илмий ва шу билан бир қаторда бадиий фикрлар билан йўғрилган мақолалар ўқувчи диққатига ҳавола этилади.

Китобнинг иккинчи бобида талабаларнинг деонтологик тарбияси ва уни такомиллаштириш йўллари ҳақида фикр билдирилган бўлса учинчи бўлимида қасамёдлар, ўгитлар ва нақллар ҳақида сўз кетади.

Шу ўринда айтиш жоизки, шифокорлар орасида лотин нақллари ишлатилиб келинади. Бу нақллар ўзбек тилида илк бор мустақил ҳолатда ўз ифодасини топган. Шунингдек ушбу бобдан Буқрот (Гиппократ) қасамёди, Маймонид қасамёди, Алишер Навоийнинг табиблар ҳақидаги гаплари, шунингдек Ўзбекистон шифокорларининг қасамёди ўрин олган.

2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири, профессор Эркин Қосимов қаламига мансуб бўлган ушбу ўқув адабиётини нафақат тиббиёт институтлари талабалари, балки бакалаврлар, магистрлар, тиббиёт коллежлари, ўрта тиббиёт ходимлари билан бир қаторда кенг жамоатчилик ҳам ўқиб баҳраманд бўладилар, деган умиддамиз. Китобнинг сўнгги бобида келтирилган сўз қудрати ҳақидаги донолар ўгити, нутқ одоби ва табобат ҳақидаги бебаҳо ҳадислар фикримизнинг яққол далили бўла олади. Шунингдек, буюк аллома, адибларимиздан келтирилган тўртликлар китобнинг янада ўқимишли бўлишини таъминлаган. Мана шулардан бири Паҳлавон Маҳмуд ижодига мансуб қуйидаги тўртликдир:

**Қайси мажлисдаким эшитсанг сўз,**
**Билгин улсўз сенга омонатдур,**
**Гар ани ўзга ерга нақл этсанг,**
**Ул омонатга бу хиёнатдур.**

Минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал деганларидек, янги асарни ўз қўлингизга олиб ўқисангиз юқорида ушбу қимматли рисола ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазаларимизга сиз ҳам қўшиласиз деган умиддамиз.

**Қутбиддин НИЗОМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



# «ПАХТАКОР»: КЕЧА ВА БУГУН

(Охири. Боши ўтган сонларда)

### 1995 йил: Ўзбекистон заминида голландиялик мураббий

Клуб кучайтирилган таркибда мавсумга тайёрлана бошлади. Жамоага Фарғонадан ўтган мавсумларнинг энг сермаҳсул ҳужумчилари Рустам Дўрмонов ва Равшан Бозоров, шунингдек, илгари турли йилларда «Пахтакор» сафларида тўп сурган ҳимоячилар Александр Тихонов ва Андрей Микляевлар келишди. Гарчи муваффақият келтирмаган бўлса-да ушбу мавсум илк бор хорижлик мутахассис раҳбарлиги остида ўйнаган «Пахтакор» учун қизиқарли эди. Клуб ўйинчилари ва раҳбарлари муайян тажрибага эга бўлдилар. Голландиядек «футбол мамлакати»га бориб, бу ердаги етакчи жамоалар билан танишдилар. Шу билан бирга, тан олиш керакки, Ферел охиригача тушунилмади. Мавсум якунида 9 та ғалабани қўлга киритганига қарамасдан тошкентликлар етакчилар («Нефтчи», МҲСК, «Навбаҳор») билан муваффақиятсиз ўйнашди ва охир-оқибатда мавсумни тўртинчи ўринда якунлашди.

### 1996 йил: киритилмаган пенальтининг баҳоси

1996 йилги мавсумнинг бошланиши тошкентликлар учун жуда ёмон кечди. Команда еттита ўйиннинг тўрттасида мағлубиятга учради («Трактор» — 1:2, «Янгиер» — 1:2, «Атласчи» — 1:2, «Нурафшон» — 0:1). Ферел истеъфо берди. Гарчи команда Кубок ўйинларида финалга чиққан ҳолда муваффақиятли иштирок этган бўлса-да, «Пахтакор»га бош мураббий сифатида келган Александр Иванков жамоани катта қийинчиликлар билан олтинчи ўринга олиб чиқди. «Нефтчи» билан ўтказилган ҳал қилувчи ўйин «Пахтакор» учун омадсиз кечди. Асосий ва қўшимча вақт дуранг натижа билан тугаганидан кейин «иш» ўн бир метрлик зарбаларга бориб тақалди. Ёш Андрей Акопянцнинг пенальтидан аниқ зарба бера олмаганлиги Кубокнинг Фарғонага «кетиши» учун имкон яратди.

### 1997 йил: Акопянц ўзини оқлади

Чемпионат Александр Иванковнинг раҳбарлиги остида ўтди. Унинг бошланиши жуда яхши бўлса-да (бешта ғалаба), бироқ биринчи давранинг охирига келиб 14 та очко йўқотилди (учта мағлубият, бешта дуранг). Чемпионатнинг иккинчи ярмида ҳам команда йиғинчоқлик билан ўйнай олмади. Тошкентда «Косонсой» ва «Зарафшон»дан мағлубиятларга учраш айниқса ачинарли эди. 1996 йилги мавсумга солиштирганда «Пахтакор» бешинчи ўринни эгаллаган ҳолда атиги бир поғона юқорига кўтарилди. Ва яна Кубок беллашувларида клуб финалга чиққан ҳолда салмоқли ютуқни қўлга киритди. Бу гал ўтган йилги финалнинг омадсиз ўйинчиси Акопянц 1:2 ҳисобида финал ҳуштаги чалинишидан икки дақиқа олдин ҳисобни тенглаштирган. Сўнг қўшимча вақтда ҳал қилувчи тўпни киритган ҳолда ўзини тўлалигича оқлашга муваффақ бўлди.

### 1998 йил: бразилияча вариант

Мазкур мавсумни жамоа яна хорижлик мутахассис бошчилигида бошлади. Бош мураббий вазифасига бразилиялик мутахассис Убиража Вегада Сильва таклиф этилди. Тўғри, дастлабки ўйин мағлубият билан якунланган бўлса-да, чемпионатда «Пахтакор» ғолиб чиқишга муваффақ бўлди. Биринчи даврада тошкентликлар ғалабали юриш қилган бўлсалар (атиги учта дуранг), иккинчи даврада қаторасига 13 та ғалаба клубга шаксиз олтин нишонларни келтирди. Жамоа ҳаммадан кўп — 96 та тўп киритган ҳолда ҳужумкор ўйин кўрсатди, атиги иккита мағлубиятга учради. «Пахтакор» ўйинчилари Қосимов ва Шквирин 22 тадан тўп киритган ҳолда чемпионатнинг энг сермаҳсул тўпурарлари бўлишди. Қосимов эса йилнинг энг яхши ўйинчиси деб ҳам тан олинди.

### 1999 йил: Тўранинг «юриши»

Ушбу чемпионатда яна бир бор мураббий алмашди. Дастлабки 9 та ўйинда жамоани Аҳмад Убайдуллаев бошқарди, бироқ ушбу ўйинлардаги битта дуранг ва тўртта мағлубият унинг жамоадан кетишидаги асосий омил бўлди. Вақтинчалик мажбуриятни бажарувчи сифатида бош мураббийлик вазифасига Тўра Шоймардонов қўйилди. Мавсум охиригача бош мураббийни қатъий белгилай олишмади ва чемпионат бошланишида йўқотилган очколар сабабли «Пахтакор» медаллар учун курашга қўшила олмади. Жамоа яхши суръатга эришган ҳолда мавсум охирларида чиройли тўп сурди, бироқ натижада тўртинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди.

### 2000 йил: иккита мураббий ва еттинчи ўрин

Жамоани чемпионатга Александр Иванков тайёрлади, бироқ у фақат биринчи давра якунигача фаолият кўрсатди. Мавсумнинг охиригача «Пахтакор»ни Виктор Борисов бошқарди. Мураббийлик таркибидаги ўзгаришлар командага яна фойда келтирмади. Еттинчи ўрин — пойтахт клубининг ўзининг 40 йиллик юбилей мавсумида кўрсатган натижаси ана шундай бўлди.

### 2001 йил: «кумуш» ва кубок

2001 йилги мавсумга клуб янги раҳбарлар ва янги умидлар билан қадам қўйди. Бош мураббий Виктор Жалилов янги таркибни шакллантирди ва «Пахтакор» мавсумни яхши бошлади. Бироқ яна навбатдаги янгиланишлар... Биринчи давра охирларида россиялик Сергей Бутенко бош мураббий этиб тайинланди ва у таркибни ўзгартирди. Умуман, мазкур мавсум жамоа учун анчайин муваффақиятли ўтди. Команда ҳал қилувчи беллашувда Қарши шаҳрида медаллар учун баҳсдаги бош рақибига қарши яхши ўйин кўрсатди ва натижада кумуш нишонларни қўлга киритди. Бунга қадар «Нефтчи» билан ўтказилган финал ўйинида Леонид Кошелевнинг иккита аниқ зарбаси клубга мамлакат Кубогида ғалаба келтирди. Бу эса шубҳасиз жамоа ишқибозларини руҳлантирди.

### 2002 йил: истиқболли ёшларга умид

Севимли клуб байроғи остида яна раҳбарият режаларига кўра истиқболли ўйинчилар жамланди. Улар бош мураббий Виктор Жалилов ва маслаҳатчи Тожимурод Оғамуродов етакчилигида XI чемпионатни уюшқоқлик билан бошлашди. Бу гал жамоанинг ҳар бир чизиғида ёш, етакчи ўйинчилар жамланиб, «Пахтакор» Европа ва Жанубий Америка энг кучли командаларининг замонавий тактикаси билан «қуролланган» ҳолда мамлакат чемпионатида фақат бир марта мағлубият аламини тортди. Ўйлаймизки, жамоадаги уюшқоқлик, соғлом рақобат ва салоҳиятли, ягона мақсад атрофига бирлашган мураббийлар таркиби сақлаб қолинса, «Пахтакор» ўзининг илгариги улкан мавқеини яна тиклайди ва халқаро майдонда ҳам муваффақиятлар қозонади, деган умиддамиз.

**Дилшод ИСРОИЛОВ,**
**Владимир САФАРОВ.**

**Суратда: 1998 йили мамлакат чемпиони бўлган «Пахтакор».**

---

**«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳамда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг қўшма рейди**

# Ёзги таътил мазмунли ўтяптими?



Ниҳоят, орзиқиб кутилган ёз ҳам кириб келди. Яна бир ўқув йили ортда қолиб, болажонларнинг узоқ давом этадиган таътил кунлари бошланди. Улар учун уч ой давомида табиат қўйнидаги оромгоҳларда, тоғу боғларда куч ва қувватга тўлиб, кўрган-эшитганларидан тўлқинланиб кўп таассуротлар орттиришга имконият очилди.

Бироқ очиғини айтиш керак, ёзда мазза қилиб дам олиш асосан болаларга насиб этади. Ота-оналар учун эса ёз анча-мунча ташвишларга бой мавсум. «Таътил пайтида фарзандимни қаерга жойлаштирсам экан?» деган савол катталарни анча аввал, ҳали ўқиш тугамасдан қийнаб келади. Статистик маълумотларга кўра, таътил пайтида ўқувчиларнинг фақат 10 фоизи бува ва бувилари ёки катта ака ва опалари қарамоғида бўлар экан. Қолган болаларчи?

ХТББ маълумоти. Тошкентда 315 умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда 368 минг ўқувчи таҳсил олади. Шу жумладан 272 минги 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар. Маълумки, айнан шу ёшгача, яъни 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун таътил вақтида яхши дам олишга мўлжалланган шаҳар ва шаҳардан ташқарида соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил қилинади.

Анъанага кўра, ўқув йили тугашидан олдин шаҳардаги энг намунавий 25 та мактаб негизида кундузги оромгоҳлар ташкил этилиши тавсия қилинганди. Махсус комиссиянинг қарори билан 25 майга қадар ушбу ўқув масканларига тегишли рухсат берилди. 10 июндан эса 2,5 минг 11 ёшгача ўқувчилар дам олиб,қизиқарли машғулотлар билан банд бўлиш ва янги дўстлар орттириш учун ўз мактабларига қайтишди.

Янги йўналишда фаолият юритаётган мактабларнинг айримларида бўлиб, умумтаълим ўқув юртлари оромгоҳларининг умумий манзарасини тасвирлашга, уларнинг моҳияти ҳамда муаммолари билан танишишга ҳаракат қилдик.

Юнусобод туманидаги 42 та умумтаълим мактабида 46 мингдан зиёд ўқувчи таҳсил олади. Бу йили ҳам мактаб оромгоҳлари туманда янги манзиллар бўйича тузилган, яъни туман халқ таълими бўлими Саодат Султонованинг изоҳига қараганда, ҳар йили оромгоҳларни бошқа-бошқа мактабларда жойлаштириш режалаштирилади. Лекин умумий тавсифланганда, оромгоҳ учун мактаб спорт базаси,турли тўгараклар мавжудлиги ҳамда ошхоналарнинг техник ва санитария ҳолатига қараб танланади. Дарвоқе, айнан охирги шартга биринчи галда эътибор қаратилиб, 12, 97 ва 259-мактаблар оромгоҳлар ташкил қилиш учун тасдиқдан ўтди.

12-мактаб ошхонаси «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси томонидан қўллаб-қувватлангани туфайли тўла таъмирланган ва ҳозирдаги ҳолати аъло даражада. Ундаги барча асбоб-ускуналар ҳам созланиб нормал кўринишда. Бу ерда ташкил қилинган «Қалдирғоч» мактаб оромгоҳи учун махсус сифатли ва чиройли идишлар ажратилгани ҳам эътиборни тортди.

«Ғунча» оромгоҳида эса (97-мактаб) болалар ижоди билан яқиндан танишишга имконият бўлмаган бўлса ҳам, кун тартибига биноан бу ерда 10 дан зиёд тўгараклар фаолият юритиши, шу жумладан спорт турларининг яхши йўлга қўйилгани қувонарлидир.

259-мактаб қошидаги «Камалак» оромгоҳида ота-оналар билан келишилган ҳолда ҳайвонот боғига ташриф режалаштирилган. Бундан ташқари, шаҳар ва туман халқ таълими бошқармалари билан дастлаб тузилган шартномалар асосида оромгоҳларнинг ўзида кўчма театр ва кинотеатрлар намойишлари уюштирилади. Аммо бу мақсадларга қўшимча сарф-харажатлар керак бўлади.

— Мактаблар қошидаги шаҳар оромгоҳлари, аввалги йиллардагидек, бу сафар ҳам бир мавсум ишлайди, — деди шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ислом Зокиров. — Мактаб оромгоҳига йўлланма нархи 13,5 минг сўм бўлса, ота-оналар фақат унинг 15 фоизини қоплади. Ҳар бир оромгоҳ фақат 100 нафар 11 ёшгача бўлган ўқувчиларни қабул қилиш имкониятига эгалигини ҳисобга олган ҳолда, кўпчилик истак билдирганлар орасидан асосан кам таъминланган оилалар фарзандларига биринчи галда эътибор қаратилди. Оромгоҳлар барча туманларда ташкил қилинган бўлиб, Юнусобод, Чилонзор, Собир Раҳимов ва Мирзо Улуғбек туманларида учтадан очилган. Бектемир туманидаги 5 та мактабнинг иккитасидаги оромгоҳ 50 тадан жойга мўлжалланган. Шундай қилиб, 26 та мактаб қошида ташкил қилинган кундузги соғломлаштириш оромгоҳларида 2,5 минг ўқувчилар ҳордиқ чиқармоқда.

Дарҳақиқат, рейд давомида уларнинг барида тегишли шароитлар яратилгани, айниқса мактабларнинг ташқи ва ички ҳудуди озода, саранжомлиги эътиборимизни тортди. «Камалак» оромгоҳи жойлашган 259-мактабда ҳаттоки барча таъмирлаш ишларини тугатишга улгурилган. Бу ерга ташрифимиз дам олиш соатига тўғри келгани учунми, мактабда жимжитлик эди. Бошқа оромгоҳлар каби, аввало болаларнинг овқатланиш шароити билан қизиқдик.

Ушбу мактаб ошхонасига ҳам «Мактаб-таом» МСЖ хизмат кўрсатиб, кунда янги маҳсулот келтирилар экан. Маълум бўлишича, мазкур жамият тумандаги барча мактаблар билан шартнома асосида фаолият юритиб, таътил пайтида ҳам керакли маҳсулотларни етказиб беришни ўз зиммасига олган.

Халқ таълими тизими ходимларига яхши маълумки, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда шаҳар ҳокимлиги тавсияларига биноан Савдо, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича департамент ва Халқ таълими бош бошқармаси вакилларидан иборат тузилган махсус комиссия томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида шаҳар мактаблари ошхоналарининг ҳолати, ўқувчиларни иссиқ овқат билан таъминланиш аҳволи ўрганиб чиқилди. Таҳлилларга кўра, 308 та умумтаълим мактабларида турли мулкчилик шаклида фаолият юритаётган корхоналар томонидан хизмат кўрсатилаётган ошхоналар мавжуд. Шунга қарамай, ўқувчиларнинг фақат 32,2 фоизи иссиқ овқат ва буфет маҳсулотлари билан қамраб олинган. 7 та мактаб қошида ошхона ва буфет умуман ташкил қилинмаган. Бундан ташқари, овқатланиш залларида ўриндиқлар сони, ўта эскирган ва яроқсиз, айрим мактабларда эса етишмовчиликлар юқори. Ўриндиқлар билан таъминлаш умуман олганда 48 фоизни ташкил қилади. Ошхоналарнинг савдо-технологик ва совутгич асбоб-ускуналари 30-40 йил илгари ўрнатилган бўлиб, маънавий ва жисмоний жиҳатдан фойдаланишга яроқсиз. Жорий йилнинг 15 апрелига қадар уларнинг 30 фоизи ишламайди.

Бугунги кунда ушбу йўналишда Ҳамза ва Юнусобод туманларида иш қониқарли олиб борилмоқда. Юнусобод туманидаги мактаблар ошхоналарининг 80 фоизида асбоб-ускуналари созланиб, ишга туширилган. Айтиб ўтиш жоиз, бунинг учун ўтган ўқув йилида туман ҳокимлиги томонидан 3,5 миллион сўм ажратилганди. Ижобий ўзгаришлардан келиб чиқиб, ўқув йили якунларида 246-мактаб мисолида шаҳар семинари ўтказилди. Ушбу тадбирга «Мактаб-таом» МСЖ қуйидаги маълумотномани тақдим этди: «Жамият тумандаги барча мактаб ошхоналарига хизмат кўрсатади. Болалар учун иссиқ овқат таъминоти яхши йўлга қўйилган бўлиб, ўрта ҳисобда бир маротабалик иссиқ овқатнинг **юқори синф ўқувчилари ва ўқитувчилар учун** баҳоси 100, 150, 200 сўмни ташкил қилади...»

12, 97, 259-мактаблар қошидаги оромгоҳларда, юқорида айтиб ўтилганидек, 1-4-синф ўқувчиларининг кундузги овқатлари меъёри 750 сўм ҳисобидан тузилган. Агарда юқори синф ўқувчиси бир маротаба иссиқ овқат билан 200 сўм ҳисобидан таъминланса, мактаб оромгоҳида нонушта, тушлик, иккинчи тушликни қандай қилиб 750 сўмга тенглаштириш мумкин? Оромгоҳ учун бир кунда олинган маҳсулотлар миқдори тўлиқ ҳисобга кўра 50 минг сўм атрофида бўлса (100 нафар бола учун). Улардан тайёрланган овқатнинг баҳоси юқори бўлиши тушунарли. Аммо пироварди нарх қандай ҳисобланади, неча фоиз ҳисобидан? Бундан ташқари, хизматлар ҳақида гап борганда, маълумки, мактаб овқатланиш корхоналари имтиёзларга эга, шу жумладан коммунал хизматлари тўловлари бўйича.

Ҳамза туманида 31 та мактаб бўлиб, улардан 25 тасига шўъба корхона хизмат кўрсатади, қолганлари — авиация ишлаб чиқариш корхонасига қарашли 40-ошхона тасарруфида. Ўтган ўқув йили мобайнида корхона халқ таълими бўлими билан биргаликда ошхона таъмири ҳамда хизмат кўрсатиш борасида анча ишларни амалга оширди. Шунингдек, «Ҳамза-таом» томонидан арзон ва сифатли овқатлар менюси ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланилмоқда. Уларнинг баҳоси 35 сўмдан 300 сўмгача, шу ҳисобда бир маротаба 70 сўмдан 170 сўмгача иссиқ овқат ҳам бор. Фақат 300 граммдан иборат байрам паловининг баҳоси бироз қимматроқ — 202 сўм. Аммо Акмал Икромов туманидаги мактаб оромгоҳида 200 граммли кундалик ошнинг баҳоси 239 сўм, 50 грамм котлет — 128 грамм, олча компоти — 37 сўм, 56 грамм иккита ўрик — 28 сўм, сувда пиширилган тухум — 100 сўм... Дарвоқе, Талабалар шаҳарчасидаги ошхоналар ҳам паловни 240 сўм атрофида таклиф қилади(?!)

Мактаб ошхоналари менюси мутахассислар томонидан ишлаб чиқилади. Шундай бўлса-да, янги ўқув йилига барча мактаб ошхоналарининг моддий-техника базаси тартибга келтирилиб такомиллаштириш зарурлиги ва бу борада пойтахтимизда август ойида махсус республика семинари ўтказилишини инобатга олган ҳолда, ваколатли идора ва ташкилотлардан мактабларда овқат таъминоти ҳолати бўйича аниқ маълумот бериб, болалар овқати таннархини пасайтириш йўллари хусусидаги таклифлари билан ўртоқлашишларини кутиб қоламиз.

Болаларни ёзги таътил пайтида соғломлаштириш ва дам олишларини таъминлаш ҳақида мавзуни давом эттирган ҳолда ота-оналар фикрлари билан ҳам танишишни жоиз деб билдик.

— Тўрт фарзандим бор. Кенжалари Ҳасан ва Ҳусан 10 ёшда, — деди Мукаррам Акбарова. — Бир ўзим ишлайман. Турмуш ўртоғим биринчи гуруҳ ногирони. Болаларимни мактабдан ташқари вақтда 80 ёшдаги қайнонамга қолдираман. Уйимиз Акмал Икромов туманидаги 109-мактаб ёнида . Икки бекат юқорида 131-мактабда неча йилдан бери ёзги оромгоҳ ташкил қилинади, лекин у ерга болаларини жойлаштиришни хоҳлаганлар кўп, қабул эса 100 нафар болага мўлжалланган. Кейинги ёз ойларида эса оромгоҳ мўлжалланмаган экан...

Рейд давомида шу каби таклифлар кўп билдирилди. Ўйлаймизки, улар мутасаддилар эътиборидан четда қолмайди.

Ўз навбатида эслатиб ўтамиз. Ёзнинг кейинги ойи — июлдан бошлаб оромгоҳлар ташкил қилинган 26 та мактаб, бошқа 250 та шаҳар умумтаълим ўқув юртлари каби, фаолиятини болалар майдончалари сифатида давом эттиради. Ушбу майдончалар бир мавсумда (яъни сменада) 100 дан зиёд 7-11 ва ундан катта ёшдаги ўқувчиларни (истак билдиришига қараб) қабул қилишга қодир. Асосан улар ўсмирларнинг қизиқишлари бўйича турли ўйинлар билан банд бўлишига кўмаклашади. Тушлик ва ухлаб дам олиш соатлари бўлмаса ҳам, ҳар бир майдонча доирасида 6-7 тадан тўгарак иш юритади. Халқ таълими бош бошқармаси маълумоти бўйича, барча қўшимча таълим мажмуалари томонидан мактабларга 1468 тўгарак жалб қилинган ва уларнинг ҳар бирида ўрта ҳисобда 20 нафар ўқувчи шуғулланиш имконияти бор.

Тошкент шаҳар ҳудудида шунингдек 10 июндан бошлаб корхона ва ташкилотларга қарашли болалар оромгоҳлари ишга тушган. Жумладан, Хлебушкина номидаги меҳрибонлик уйига қарашли «Шодлик», «Тошйўловчитранс» уюшмасининг «Трамвайчи», фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасининг «Гулбаҳор», Тошкент давлат техника университетининг «Лочин» ва «Сувсоз» давлат унитар корхонасининг «Зилола» оромгоҳлари минглаб болаларни ўз бағрига олган.

Бундан ташқари, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманларида 37 та оромгоҳда ҳам 44 мингдан зиёд пойтахт болалари дам олмоқда, шу жумладан 30,5 минг бола — 21 та санаторий йўналишидаги оромгоҳда ёз гаштини сурмоқда.

Шаҳар касаба уюшмалари маълумотига кўра, оилавий оромгоҳларда 5,5 мингга яқин мактаб ёшидаги ўқувчилар ота-оналари билан ҳордиқ чиқаради. 500 нафар шаҳар спорт мактаблари тарбияланувчилар эса имтиёзли йўлланма асосида ёзги таътил кунларини турли шаҳардан ташқари оромгоҳларда ўтказади.

Демак, шундай хулоса қилиш мумкинки, 62 шаҳар ва шаҳардан ташқари оромгоҳларда ёз пайтида 48 минг болалар дам олади. Бу эса 14 ёшгача болаларнинг 20 фоизини ташкил қилади. Бувилари ва опа-акалари қарамоғида бўладиган ўқувчиларни қўшиб сарҳисоб қилинса, 120 мингдан зиёд 7-14 ёшгача болажонларнинг ёз мавсумидаги тақдири номаълум қолмоқда.

Лекин олдинда икки ойдан кўпроқ вақт бор. Ният қиламиз, уй ёки кўча шароити билан кифояланиб қолаётган болаларнинг ҳам ёзги таътил кунлари мароқли ва сермазмун ўтиши учун тегишли ташкилот ва муассасалар томонидан ота-оналарга қандай ёрдам бериш масаласи ўз ечимини топади.

**Рейд материалларини Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА тайёрлади.**

---


ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ «ЮРИДИК» БЎЛИМИГА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Танловда маълумоти олий, **25 ёшдан 45 ёшгача** бўлган юрист фуқаролар қатнашишлари мумкин.

Илмий унвон (даража)га эга бўлган ва хорижий тилларни мукаммал биладиган шахсларга тегишли имтиёзлар берилади.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Агентликнинг кадрлар ҳамда мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими бош мутахассиси Т.Хўжақуловга **2002 йил 26 июндан 15 июлгача бўлган даврда соат 10.00 дан 18.00 гача мурожаат қилишлари лозим.**

**Манзилимиз:**
Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй (Бошпочтамт биноси).
**Тел.** 137-45-36; ички 236. **Факс:** 139-87-82.

«Тошкент универмаги» супермаркет ОАСИЧЖ ўз акциядорларига маълум қиладики, йиллик умумий йиғилиш қарорига асосан 2001 йил якунларига кўра тўланадиган дивиденд миқдори имтиёзли ҳамда оддий акциялар учун акция қийматининг 92 фоизи ҳисобидан белгиланди.
Шунга кўра битта акцияга тўланадиган дивиденд миқдори 92 сўм 00 тийинни ташкил этди.

**Дивидендлар 2002 йил 26 июлдан бошлаб тўланади.**
**«Тошкент универмаги» супермаркет ОАСИЧЖ**

**Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармасининг Ҳамза туман бўлими қуйидаги корхоналарга фуқаролар ишга қабул қилинишини БИЛДИРАДИ**

2-автобус саройи очиқ акционерлик жамиятига «Мерседес-Бенц» ва «ДЭУ -106» автобусларида ишлаш учун ҳайдовчилар ва кондукторлар (кондукторлар аёллардан бўлса янаям яхши) керак. Ишга вақтбай-мукофотли тарзда ҳақ тўланади.
**Манзил:**
**Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 263.**
**Телефон: 96-32-60.**
Тошкент шаҳри аҳолиси учун:
«Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акционерлик жамияти турли ихтисосликлар бўйича малакали ишчиларни ишга таклиф этади.
Тошкент вилояти аҳолиси учун:
«Тошкент аваиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акционерлик жамияти Қуролли кучлар сафларида хизматни ўтаб қайтган йигитларни ҳарбийлашган қўриқлаш хизматида ишлаш учун таклиф қилади. Иш кеча-кундуз, сменали тарзда.
**Манзил:**
**Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 61-уй.**
**Телефон: 96-05-90.**
Кадрлар бўлимига мурожаат қилинг.
Метронинг «Чкалов» бекати.
«Пўлатқурилиш» очиқ акционерлик жамиятига қуйидаги мутахассислар керак:
Ишлаб чиқариш-техник бўлим бошлиғи — олий маълумотли, иш стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги керак. Иш ҳақи — **80000 сўм.**
Меҳнатга ҳақ тўлашни комплектлаштириш бўйича муҳандис — **80000 сўм**.
Пайвандчи, электр пайвандчи — 3-5 тоифа.
Иш ҳақи — **80000—100000 сўм.**
Темир-бетон буюмларини ўрнатиш бўйича монтажчи — иш ҳақи — **80000-100000 сўм.**
Умумий қурилиш ишлари бўйича ишчи (бетончи, ғишт терувчи, дурадгор).
Иш ҳақи — **50000-70000 сўм**.
**Манзил:**
**Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Жаркўрғон кўчаси, 22-«а» уй.**
**Телефон: 96-08-03, 96-26-43, 96-12-64.**

Тошкент шаҳридаги 9-мактаб томонидан 1996 йили Максудходжаев Ботир Боходирович номига берилган UZA №013138 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Собир Раҳимов туман ҳокимлиги томонидан хусусий тадбиркор «Isaev Xvsan Urazaevich» номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейи томонидан Рўзиева Нилуфар Пардаевна номига берилган 2000 йилдаги O'RA № 912318 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-410. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 13.55 1 2 3 4 5 6